

**“Gidroproekt” акциядорлик жамиятининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши бўйича акциядорларга  
Хабарнома**

**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

“Gidroproekt” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 10 сентябрь куни соат 11:00 да Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уй)да Жамиятнинг маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Тел: (71) 205-80-80

Йиғилишқатнашчиларини рўйхатгаолишсоат 10.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.gidroproekt.uz](http://www.gidroproekt.uz)

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. “Gidroproekt” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини ва санок комиссиясини шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. “Gidroproekt” АЖнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
3. “Gidroproekt” АЖнинг 2015 - 2017 йиллар якунлари бўйича ҳисобланган ҳамда эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.
4. “Gidroproekt” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича Миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари (МБҲС) ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМҲС) асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори белгилаш ҳамда у билан шартнома тузиш.
5. “Gidroproekt” АЖнинг “Ижро органи тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги ҳамда “Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомларини янги тахрирда тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 19 август ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2021 йил 6 сентябрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат–паспорт, акциядорларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган (жисмоний шахслар учун–нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун–мазкур юридик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар тўғрисидаги маълумотлар билан "Gidroproekt" акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилиши сўралади: Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уйда. электрон почта: info@gidroproekt.uz, тел: 71-205-80-80

**“Gidroproekt” АЖ Кузатув кенгаши**

2021 йил “19”август